

Фарангиз КАРИМОВА

СОҒИНЧ

(Шеърлар)

Қарши
«Насаф» нашриёти
2007

84(55)6-5

Фарангиз Каримованинг изланишлари унинг келажагига умид уйғотади.

Ёш шоиранинг содда, самимий мисралари, она-Ватанга, юртга, одамларга меҳр-муҳаббати Сизни эътиборсиз қолдирмайди, деб ўйлаймиз, азиз ўқувчи!

Ю 34350
0

2008/37 Alisher Navoiy
nomidagi
A2422 O'zbekiston M

К $\frac{4702620202-46}{376(10)2007}$ 46-2007 Ф.Каримова, 2007 й.

ISBN 5-7323-0519-7

ШЕЪРИЯТГА ОШУФТА ҚАЛБ

Шеърият шундай бир илоҳий неъматки, у ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Назм бўстониға эзгу ният, пок қадам билан қалбида ихлоси жўш уриб кирган кишигина унинг сирли ва мўъжизавий завқ-шавқларидан баҳраманд бўлади. Дейдиларки, Оллоҳ қаламни яратган, қалам оламни. Нақадар топиб айтилган ибора. Дарҳақиқат кўлиға ихлос билан қалам тутиб шеъриятнинг машаққатли йўлиға кирган киши ниҳоят унинг нурли манзилларига етишиши муқаррар.

Фарангиз Каримова ҳам қаламга меҳр қўйган, кўнгил кечинмаларини шеърга солган ёшлардан. Унинг шеърларини ўқир экансиз беғубор болалигингиз, туғилиб ўсган гўшангиз, тенгдош дўстларингиз ёдингизга тушади. Ватанга садоқат, она табиатга меҳр, наботот ва ҳайвонот оламиға ҳайрат билан боқиб, жонфизиолик ҳиссининг уйғониши Фарангиз ижодида алоҳида ўрин тутди. Унинг «Капалак», «Гўзал», «Сурхоним», «Хур диёр фарзандиман», «Севсанг агар Ватанни», «Одамлар», «Қишлоғим» сингари шеърлари шулар жумласидандир.

Фарангизнинг «Сизсиз», «Соғинч», «Соғиниб», «Сени соғиниб», «Яхшиларга» сингари бир талай шеърларида армон, тушкунлик, нолиш бордек туюлсада, бу ижодкор юрагининг ҳеч бир ҳолатга бефарқ эмаслигидан далолатдир ва дунёвий мушкулотлар олдида бош эгмасликни ифода этувчи туғендир.

Фарангиз бир шеърида;

Тинчлик барқарор юртда,

Гўзалдир табиат ҳам.

Тинчликсевар халқ учун,

Жон фидо қилсақда кам.

дея ватанга содиқликни тараннум этса, яна бир шеърида

Ҳаёт ҳам неча бор эврилар,

Гоҳ нотинч, тинчликка йўғрилар.

Барчага бир бора берилар,

Тинчликни асрайлик, одамлар!

деб инсонларни эзгуликка даъват этади.

Шеърятга ошуфта қалб соҳибаси бўлмиш
Фарангиз Каримованинг «Яхши ва ёмон», «Эътироф»,
«Сўнги қўнғироқ», «Мактабим», «Юлдузлар билан суҳбат»
каби кўплаб шеърлари ҳам анчайин муваффақиятли
чиққан.

Айтиш керакки, Фарангизнинг шеърлари айрим
қиёмига етмаган фикрлар ва нуқсонлардан ҳам холи
эмас. Бироқ унинг бошловчи ижодкорлигини,
интилувчанлигию, кишини ўйлантирадиган ибораларни
қўллашини ҳисобга олсак, келажакда ўз йўлини топиб
олишига ишончимиз комил бўлади. Чунки унинг қалбини
оловлантирган илҳом, орзу ва умид учкунлари шундан
далолат беради. Шеърятнинг сеҳрли кошонасига
шаҳдам қадам қўйиб, назм уммонида говвосдек сузиб
сўзлардан дур-маржон излашга бел боғлаганини унинг
қўйидаги битикларидан ҳам англаса бўлади.

Қалбдаги орзуларим,
Ижобатга айланса.
Юракдаги ҳисларим,
Шеърятга бойланса.
Сўзларим қанот боғлаб,
Учмоқ учун шайланса.
Илҳом пари кўксимда,
Нурланса, оловланса.
Шоира бўлгум албат !

Юрагидаги хис-туйғуларини шеърятга боғлаб,
қалбдаги орзуларининг ижобатини яратгандан сўраб,
кўксидаги илҳом парисини нурлантириб, оловлантириб,
пировард яхлит фикрлар йиғиндисини – шеърларини
ўзга қалблар сари учирмоққа отланган Фарангизга оқ
йўл тилаймиз.

Эгам Дўст,
шоир.

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Кўзим очиб кўрганим,
Меҳрим қўйиб суйганим.
Онажоним – Ватаним,
Жоним -Ўзбекистоним.

Гуллар тердим боғингда,
Яйрадим қучоғингда.
Улғайдим ардоғингда,
Шоним - Ўзбекистоним.

Пойидорсан жаҳонда,
Таърифинг ҳар томонда.
Сенга фидо ҳар онда,
Қоним - Ўзбекистоним.



ТАЪРИФ

Юртимнинг чиройига,
Маҳлиё мурғак қалбим.
Тароватига тўймай,
Ҳаққиради юрагим.

Тинчлик барқарор юртда,
Гўзалдир табиат ҳам,
Тинчликсевар халқ учун,
Жон фидо қилсақда кам.

Дуркун яйраб ўсамиз,
Хур Ватан қучоғида.
Тинчлик рамзи хумо қуш,
Чайқалар байроғида.

Бу юртда ҳар бир инсон,
Меҳнатидан топган шон.
Донг таратар жаҳонда,
Хур диёр Ўзбекистон.



МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНИМГА

Муқаддас тупроқнинг фарзандидурман,
Гуллаган диёрнинг дилбандидурман.
Жоним фидо бўлсин шу Ватан учун,
Юртим истиқлолинг муборак бўлсин !

Ватаним энг буюк қонунга эга,
Барча фуқаролар жавобгар унга.
Бу қонунлар бизни етаклар йўлга,
Юртим истиқлолинг муборак бўлсин !

Қўлларда ҳилпирар азиз байроғинг,
Фарзандлар қўриқлар сенинг ҳар ёғинг.
Камол топ, яшайвер юртим то абад,
Юртим истиқлолинг муборак бўлсин !

Она юртим менинг, ҳур гулистоним,
Донғи дунё кезган чаманистоним.
Қучоғингда дуркун улғайиб ўсдим,
Юртим истиқлолинг муборак бўлсин !



ГҶЗ АЛ

Осмонда ой гўзал ҳам зухро гўзал,
Фалак комида улар танҳо гўзал.
Жаҳонда жаннат қиёс бир юрт борки,
Мен учун ундан йўқ юрт бошқа гўзал.

Гўзаллик аслида онада бордир,
Мурғаккина қалбли болада бордир.
Онанинг боласига меҳри гўзалдир.
Талпинган боланинг сеҳри гўзалдир.

Гўзаллик нимадир гуллардан сўра,
Сочига гул таққан қизлардан сўра.
Гўзаллик оламнинг зеби, чиройи,
Куз, қишу, баҳору ёзлардан сўра.

Тоғларда қор гўзал, чўққилар гўзал,
Қирларда очилган лолалар гўзал.
Қалбда яшамоққа ҳавас уйғотган,
Юрт кўрки, эл меҳри, дуолар гўзал.



ҚИШЛОҒИМ

Хўжабаркуҳ пойида,
Ястанган гул маконсан.
Азиз Сина қишлоғим,
Менга нурли ошёнсан.

Ўйнаб ўсдим бағрингда,
Йўқдир сира армоним.
Киндигим қони томган,
Ўзингсан зўр қўрғоним.

Саҳар вақти булбуллар,
Хониш қилар боғингда.
Тўрғай, чил, каклик, ҳилол,
Нолиш қилар тоғингда.

Узумзоринг таърифи,
Кетган етти иқлимга.
Оллоҳдан бир тилагим,
Кўз тегмасин юртимга.

Тоғ тўшида жойлашган,
Сўлим Сина қишлоғим.
Таърифингга тил ожиз,
Бол томган чексиз боғим.

Саховатда ҳур халқим,
Ибрат бўлган кўпларга.
Қишлоғим таърифингни,
Кўтаргайман кўкларга.



СЕВСАНГ АГАР ВАТАННИ

(кўшиқ)

Севсанг агар Ватанни,
Жону жаҳонинг-ла сев.
Фидо қил унга танни,
Аҳду виждонинг-ла сев.

Муқаддас бил номини,
Баланд кўтар шонини.
Кўзга сурт туз, нонини,
Дилда имонинг-ла сев.

Тун-кун доим сергак бўл.
Оғир кунда тиргак бўл.
Ватан - она бешак бил,
Ҳам жон, ҳам қонинг-ла сев.

Ватан хокин кўзга сурт,
Номин дилда маҳкам тут.
Севсанг агар Ватанни,
Унга жонинг фидо эт.



ХУР ДИЁР ФАРЗАНДИМАН

(қўшиқ)

Хур диёр фарзандиман,
Гул диёр фарзандиман.
Бағри кенг шул Ватаннинг,
Бир гулу дилбандиман.

Кунда минг юз кўрсатар,
Юртимнинг истиқболи.
Имконларга бой бўлди,
Хуррият, истиқлоли.

Бу кун дунё тан олди,
Озод, обод маконни.
Шухратин қўшиқ қилиб,
Куйлай Ўзбекистонни.

Кундан кунга яшнайвер,
Камол топ азиз Ватан.
Завол кўрма ҳеч қачон,
Жонажон Ўзбекистон!



СУРХОНИМ

Таърифласам номи дoston Сурхоним,
Чор тарафи боғу бўстон Сурхоним.
Эллар яшар кучоғида бахтиёр,
Теграси тинч тиниқ осмон Сурхоним.

Тоғларида ярқирайди оппоқ қор,
Осмон билан бўйлашади чўққилар.
Азиз номи қоялардек пурвиқор.
Шухратичун фидодир жон Сурхоним.

Деҳқонлари даладан дур ундирар,
Тадбиркори хориждан мол келтирар.
Полвонлари юрт доврўгин кўтарар,
Ҳар кун юзлаб меҳмон кутар Сурхоним.

Одамлари меҳмондўстдир бағри кенг,
Меҳнат қилар юрт учун шимариб енг.
Жаннат монанд бундаин юрт қайда денг,
Чўллари ҳам чаманистон Сурхоним.

Айтаверсам қиёсин йўқ адоси,
Ҳар неки бор арзир бўлса фидоси.
Довруқ солсин дунё бўйлаб садоси,
Дунё борки бўлсин омон Сурхоним.

ИФТИХОР

Шу азиз ватаннинг фарзандиман мен,
Эрксевар элимнинг дилбандиман мен.
Тупроғи кўзимга тўтиё ҳар он,
Бағридаман-толеи баландиман мен.
Безавол ҳилпирар байроғинг, Ватан,
Мардларинг кўриқлар сарҳадларингни.
Юксал, ортаверсин шуҳрат ила шон,
Ўзинг қўлла шерюрак фарзандларингни,
Муқаддас юрт, мустақил Ўзбекистоним,
Сенга бахшидадир умрим ашъорим.
Улғайдим бағрингда, меҳрингга қондим,
Номинг қалбимдадур то танда жоним.

ВАТАН

Юракда энг улуғ сўз,
Этай оламга кўз-кўз.
Онамдек мўътабарсан,
Ифтихор шоним Ватан.

Ўзинг ёруғ жаҳоним,
Бағрингда йўқ армоним.
Сенга фидо жону тан,
Тиниқ осмоним Ватан.

Бўй чўзибсан осмонга,
Юз тутдинг кенг жаҳонга.
Шунчалар мўътабарсан,
Орзу имоним Ватан.

Қалбда улуғ сўз номинг,
Ўзингга мос ўз номинг.
Дунё аҳли олган тан,
Шўҳ садо-шаъним Ватан.

ХОҶИШ

Ҳаётни куйламоқ истайман,
Шу юртни ўйламоқ истайман.
Шундай гулгун, хуррам замонда.
Эл оралаб тўйламоқ истайман.

Дунё кезса юртим таърифи,
Қалбларни забт этса тарихи.
Қўшиққа айланса тавсифи,
Шу элда бўйламоқ истайман.

Чидадик зулм ила зўрликка,
Чидадик хорлигу хўрликка.
Шукурки эришдик хурликка,
Эл эркин куйламоқ истайман.

Юртимга ҳавас-ла боққанни,
Халқимнинг кўнглига ёққанни.
Нияти покиза инсонни,
Нон туз-ла сийламоқ истайман.



ЮЛДУЗЛАР БИЛАН СУХБАТ

Тунда чексиз самога боқиб,
Сирлашаман юлдузлар билан.
Тақдиримдан фол очинг дейман,
Бирга бўлай мен сизлар билан.

Сиз осмоннинг нури безаги,
Юракларга қувонч бахш этган.
Сизларга ошуфта бу кўнглим,
Номингиз исмида акс этган.

Ялдо тунлар термулиб сизга,
Уйқуга илинар кўзларим.
Овунчоғим сизсиз юлдузлар,
Қалбимда ловулар ҳисларим.

Тонг саҳар уқалаб кўзимни,
Очган чоғ боқаман осмонга.
Сизларни ахтариб тополмай,
Юрагим тўлади армонга.

Эй менинг суйган юлдузларим,
Ўртаманг қалбимни фироқда.
Умримни сизларга боғладим,
Бўлсангиз қанчалар йироқда.

МАКТАБИМ

Билим олдим бағрингда,
Ұйнаб ўсдим боғингда.
Номинг қалб ардоғимда,
Қадрдоним мактабим.

Устозлар бошим силаб,
Илм ўргатди эркалаб,
Бағринг очдинг эрталаб,
Жонажоним мактабим.

Ёп-ёруғ кошонасан,
Гўё бизга онасан.
Меҳринг қўмсаб ёнаман,
Меҳрибоним мактабим.

Билимларнинг булоғи,
Гулга тўлган ҳар ёғи.
Орзуларим маёғи,
Шараф, шоним мактабим.



ОНАЖОН

Сиз туфайли оламини кўрдим,
Мурғак қалб-ла меҳрингиз тўйдим.
Чин юракдан мен сизни суйдим,
Онажоним, онажонгинам !

Болам дея доим эркалаб,
Оқ ювиб, оқ тараган ҳам сиз.
Ютуқларим кўриб қувониб,
Бошгинамни силаган ҳам сиз.

Онажоним ёнимда сиз бор,
Бегонадир ғам, алам менга.
Умрим бўйи сажда қилгумдир,
Сиздек мунис, азиз инсонга.

Ҳам сирдошим, ҳам дуогўйим,
Қиблагоҳим Сизсиз онажон.
Яратгандан ёлғиз тилагим,
Доим омон бўлинг онажон.



ОТАЖОНИМ

Отажоним оппоғим деб,
Эркалаган сиз ўзингиз.
Ҳаётимда ибрат рамзи,
Бўлган ҳар бир сўзингиз.

Сизни кўрсам қалб қувончга,
Кўзим нурга тўлади.
Отажоним Сиз борсизки,
Бахт, иқболим кулади.

Отажоним сиз ўзингиз,
Энг ишончли қалқоним.
Бу дунёда ишонганим,
Суянчиқ, меҳрибоним.

Шаънингизга шеър битиб,
Этай сизга армуғон.
Бахтимга сиз бўлинг омон,
Меҳрибон, жон отажон.




СЎНГГИ ҚЎНФИРОҚ

Чалингач сўнгги қўнғироқ,
Хапқиради юрак бетиним.
Юмалайди юзга кўздан ёш,
Бу не ҳолат айтгин синфдош.

Хотирага айланар бўлди,
Болаликнинг шодон дамлари.
Дилга фироқ ташлади афсус,
Айрилиқнинг азоб, ғамлари.

Кенг ҳаётнинг сўқмоқларидан,
Чор тарафга бошлаймиз йўлни.
Қайда бўлсак эй синфдошлар,
Узатайлик қўлларга қўлни.

Завол кўрмай етсин ҳар кимнинг,
Нурли манзилларга парвози.
Боғлаб турсин қалбларни доим,
Сўнгги қўнғироқнинг овози.



ЭЪТИРОФ

Қалбадаги орзуларим,
Ижобатга айланса.
Юракдаги ҳисларим,
Шеъриятга бойланса.
Сўзларим қанот боғлаб,
Учмоқ сари шайланса.
Илҳом пари кўксимда,
Нурланса, оловланса.
Шоира бўлгум албат !

Ўзбекистон деган ном,
Ифтихор, фаҳрим бўлса.
Эл шонини кўйламоқ,
Энг улуғ аҳдим бўлса.
Ватан душманларига,
Қалбимда қаҳрим бўлса.
Халқимнинг хизматига,
Туну кун шаҳдим бўлса,
Шоира бўлгум албат !



ЯХШИ ВА ЁМОН

Кишилардан қолса гар яхшилик,
Одамлар эслашар яхши деб.
Қолса гар кимлардан ёмонлик,
Ёмон деб эслашар ёмон деб.

Кимдадир ўзгага меҳр бор,
Билингки қалбида сеҳр бор.
Кимларнинг қалбида қаҳр бор,
Билингки тилида заҳар бор.

Яхшидан кўнгиллар нур эмар,
Сўзидан минг ҳикмат бол томор.
Ёмоннинг сўзлари дил эзар,
Тилидан гўёки қон томар.

Яхши сўз, ёмон сўз билсангиз,
Бир оғизнинг икки меваси.
Ёмон сўзни ҳаргиз демангиз,
Яхши сўз пок кўнгил шеваси.



ОДАМЛАР

Ҳаёт ҳам неча бор эврилар,
Гоҳ нотинч, тинчликка йўғрилар.
Барчага бир бора берилар,
Тинчликни асрайлик, одамлар!

Урушнинг олдини олайлик,
Тинчлик учун бирга бўлайлик.
Ҳаёт завқин бирга сурайлик,
Тинчликни асрайлик, одамлар!

Бўялмасин ер юзи қонга,
Бомба портламасин осмонда.
Хавф солмасин ўлим инсонга,
Тинчликни асрайлик, одамлар!

Она ерни гулга буркайлик,
Эзгуликни қалбга тугайлик.
Тинчлик учун ҳайкал қўяйлик,
Тинчликни асрайлик, одамлар!



КАПАЛАК

Қанот қоққан атлас капалак,
Сўзларимга қулоқ сол андак.
Юрагимга завқ бағишлаган,
Овунчоқ йўқ ўзингдан бўлак.

Бир жуфт бўлиб гўзал чаманда,
Рақсга тушиб шодон қувнайсиз.
Хавф-хатарсиз чексиз ошёнда,
Тинмай қувлашмачоқ ўйнайсиз.

Капалакжон айтгин дунёда,
Эркинликдан не бор зиёда.
Озор кўрмай озод яшашдан,
Ортиқроқ бахт борми дунёда.

Капалакжон сизларга ўхшаб,
Озод даврон сурмоқ истайман.
Шундайин ҳур озод юртимнинг,
Бахтин порлоқ кўрмоқ истайман.

Менинг юртим тенгсиз жаҳонда,
Шоирлари жаннатга менгзар.
Капалакжон менинг билан бўл,
Иккимизга тенг бу ҳур диёр.



СИЗСИЗ

Ҳовлидаги дарахтларнинг шохлари эгик,
Чумчуқлар ҳам чиркиллайди безовта ҳар он.
Волидамнинг сочларига оқ оралабди,
Юракларни алам тирнар ҳар куни Сизсиз.

Ғам юклари падаримнинг эгди қаддини,
Юрагига оғриқ солди тўсиб шаштини.
Суролмасдан кетдингиз сиз ҳаёт гаштини,
Қалбимизда армон қолди, дард қолди Сизсиз.

Сина тоғнинг қоялари мунғайиб қолди,
Йўлингизга кўзларимиз термулиб толди.
Қалблардаги шодлик ўрнин ғам-нолон олди,
Дийдор сўзи чўпчак бўлди тилларда Сизсиз.

Ғаддор ажал келиб, келиб танлади сизни,
Шум рақиблар қайларга бурди йўлингизни.
Акажоним деб ушлолмадим қўлингизни,
Бу дунё ғамхона бўлди бизларга Сизсиз.

Ётган жойларингиз жаннат бўлсин акажон,
Қабрингиздан гул-чечаклар унсин акажон.
Номингиз қалбларимизда яшар то абад,
Мангу масканингиз нурга тўлсин акажон.



СОФИНИБ

Орзуйим армонга айланди,
Вужудим зўр дардга бойланди.
Қалбимга изтироб жойланди.
Акажон мен сизни соғиниб.

Онамнинг кўзида нур сўнди,
Отамнинг тик қадди букилди.
Юрагим чокидан сукилди,
Акажон мен сизни соғиниб.

Кечаси юлдузлар санайман,
Юлдузи қайси деб излайман.
Бир соғинч, дард билан бўзлайман,
Акажон мен сизни соғиниб.

Тунлари тушларим саробдир,
Чекканим фиғону азобдир.
Рангим сомон, бағрим кабобдир,
Акажон мен сизни соғиниб.

Тақдирнинг ҳукмига бош эгиб,
Дуолар қиламан сиз учун.
Жойингиз жаннатда бўлсин деб,
Кўз ёшим тўкаман туну кун.

Номингиз қалбимда ардоқда,
Ҳар куни эслайман неча бор.
Тангридан биргина тилагим,
Имонни айласин сизга ёр.

ОНАМГА

Азизим, мунисим ҳам меҳрибоним,
Борлигим, гурурим, жоним-жаҳоним.
Оқ ювиб, оқ тараб, оқ сути ила,
Боқиб улғайтирган сиз онажоним.

Топганин оғзимга тутиб эрта-кеч,
Эркалаб бағрига босган хур инсон.
Камолингни кўрай деб тун-кун,
Дуога қўл очган сизсиз онажон.

Бешигим бошида киприк қоқмайин,
Шомларни тонгларга улаган бедор.
Жаннат оёғингиз остида шаксиз,
Сиз азиз мукаррам, улуғ, мўътабар.

Сиз билан ҳаётим мазмундор, шодон,
Сиз борки файзлидир бу хуррам замон.
Бахтимга дунё тургунча туринг,
Тангридан тилагим шудир онажон !



ЯХШИЛАРГА

Яхшиларга ярашади яхшилик,
Ёмонга ҳам қилмоқ керак яхшилик.
Инон, олувчидан ўн чандан ортиқ,
Берувчини шод этади яхшилик.

Муҳтож ҳовучини тўлдирсанг агар,
Оялоҳ кучоғингни тўлдирар бешак.
Яхши сўзни кўп айт, эй инсон, магар
Обод кўнгилда бор энг яхши тилак.

Киши ўз дўстидан кутар яхшилик,
Кўнглидан кечгани ўзига аён.
Саҳрода чанқаган кимсани эсла...
Ўзлигингга қайтасан –
Яхшилик-ла ёвга қўл чўзганинг он.

ТАБИАТ

Сув бўйида мажнунтолнинг қадди дол,
Майин кокилларин тўзгитар шамол,
Ошуфта қалбларни завққа тўлдирар-
Табиат гўзалдир! Таърифга тил лол.
Табиат ҳуснига боқаман тўймай,
Мен унинг қизиман, эркаси ўзим.
Орзуларим қушдек қоққанда қанот
Олис юлдузлардан узолмай кўзим.
Юксакка интилсам, қўллар Ватаним,
Онамдек табиат бағрига босар,
Дўстларим ёнимда, камим йўқ маним.
Бас, шундай замонда яйрамоқ керак,
Эл корига яраб, яшамоқ керак!

СЕНИ СОФИНИБ...

Хар лаҳзада сени соғинавердим,
Бойчечак баҳорни соғинганидек.
Қовжироқ қўлларим кўкларга тутдим,
Майсалар ёмғирга сиғинганидек.

Кўз ўнгимга келдинг ўйлаганимда,
Лек ўзинг келмадинг, тоқатлар синди.
Юрагимда кучли оғриқлар билан
Қўл чўзсам йўқликка саробдай сингдинг.

Ҳижрон чўлларида Мажнундай тентиб,
Соғинчимни буткул йўқотиб қўйдим.
Энди яшамоқдан не фойда сенсиз,
Мажруҳ юрагимга ўқ отиб қўйдим.

Келмадинг...
Соғиниб... Соғинмай қўйдим.



ҚАЛБ СЎЗИ

Онажоним сиз туфайли дунёда,
Мурғак қалбим жўшиб севилдим,
Қаергаки қадам ихлос-ла қўйдим,
Соғ-омон бўлингиз онажонгинам.

Болажоним, дея қўллаган ҳам сиз,
Орзуларим сари йўллаган ҳам сиз.
Бахту камолимни тилаган ҳам сиз,
Соғ-омон бўлингиз онажонгинам.

Тилагим шу: доим бўлинг соғ-омон,
Қарши олинг кулиб тонгни ҳар қачон.
Енгилур мушкул ҳам сиз ила осон,
Соғ-омон бўлингиз онажонгинам.

Оналар бор, тинчдир, файзиёб ҳаёт,
Кун-кунга кўрсатар меҳр, илтифот.
Сиз борки толмагай парвоздан қанот,
Соғ-омон бўлингиз онажонгинам.



ОНА

Дунё яралибди азал-азалдан,
Она сўзи жаранглар тилларимизда.
Кўзин очган гўдак туйган мисоли,
Сақланажак бу меҳр дилларимизда.

Эй азиз, мўътабар, меҳрибон она,
Аллангиз бунчалар сеҳрли яна.
Сиз мени опичлаб улғайтиргансиз,
Оламни танитиб улғайтиргансиз.

Қалбингиз булоқдек софдир онажон,
Фарзандга кўзингиз муштоқ ҳамиша.
Элнинг тинчлигин ҳам ўйлаб қўясиз,
Сиз ҳаммамизни бирдек суясиз.

БИЛСАНГИЗ

Ватанни юракда уйғотган ҳам сиз,
Ҳақ сўзни менга ўргатган ҳам сиз.
Ватан ҳақда ширин сўзлатган ҳам сиз,
Сиз менинг онамсиз, меҳрибонимсиз.

Қадрдон далага ҳар куни шошган.
Хирмони Ҳисордек тоғлардан ошган,
Меҳр булоғингиз дарёдек тошган.
Сиз менинг онамсиз, қадрдонимсиз,

Ҳаётим қувончи, кўнглим чироғи,
Тунимнинг ойи-ю, кўнглим чароғи.
Сиздан бизга ўтган меҳр қароғи,
Сиз менинг онамсиз, дилда боримсиз.

МУНДАРИЖА

Шеърятга ошуфта қалб.....	3
Ўзбекистоним.....	5
Таъриф.....	6
Мустақил Ўзбекистоним.....	7
Гўзал.....	8
Қишлоғим.....	9
Севсанг агар Ватанни.....	10
Хур диёр фарзандиман.....	11
Сурхоним.....	12
Ифтихор.....	13
Ватан.....	13
Хоҳиш.....	14
Онажон.....	15
Отажоним.....	16
Юлдузлар билан суҳбат.....	17
Мактабим.....	18
Сўнги кўнғироқ.....	19
Эътироф.....	20
Яхши ва ёмон.....	21
Одамлар.....	22
Капалак.....	23
Сизсиз.....	24
Соғиниб.....	25
Онамга.....	26
Яхшиларга.....	27
Табиат.....	28
Сени соғиниб.....	29
Қалб сўзи.....	30
Она.....	31
Билсангиз.....	32

АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШР

КАРИМОВА ФАРАНГИЗ

СОҒИНЧ

(Шеърлар)

Ўзбек тилида

Муҳаррир: А.Тайпатов.
Техник муҳаррир: Ч.Раҳмонов.
Мусахҳиҳ: Г.Хўжаева.

ИБ 1116

Теришга 8.10. 2007 йилда берилди. Босишга 12. 10. 2007 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32. Шартли босма табағи-1,68. Шартли бўёқ- отг - 1,74. Нашр босма табағи - 0,90 60 - 2007-шартнома. 85-буюртма. 100 - нусхада. Эркин нархда.

«Насаф» нашриёти, 180118. Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Қашқадарё вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси хузуридаги «Матбаа» цехида чоп этилди.

Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.